

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил 30 октябрь



Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов
ҳайъати шу суд биносида очик суд мажлисида
раислик қилувчи судья А.Аметов,
ҳайъат судьялари Д.Разов ва Х.Бердикличевлардан иборат таркибда,
судья катта ёрдамчиси Б.Арисовнинг котиблигида,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори
А.Ниязимбетов, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат ХХХ,
судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат ХХХнинг иштирокида, жиноят
ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2025 йил 28 май кунги ХХХ ва
ХХХларга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан Кегейли туман прокурори
томонидан билдирилган протестга асосан ҳамда ҳукмнинг ХХХга оид қисми
устидан судланувчи ХХХнинг ҳимоячиси адвокат ХХХ билан биргаликда
берган шикоятга асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб,
қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2025 йил
28 май кунги ҳукмига кўра,



Ҳужжат имзоланган: БЕРДИКЛИЧЕВ ХАМРА ЖАХАНГИРОВИЧ, 24.11.2025



Суднинг ҳукмига кўра, ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган ва унга шу модда билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга чақалоқларга реанимация ёрдами кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

ХХХнинг тегишли чекловлар ўрнатилиб, тайинланган асосий ва қўшимча жазолар ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижро этилиши белгиланган.

ХХХнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли ишнинг унга нисбатан қисми ЖКнинг 36-моддасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан айбсиз деб топилиб, оқланган.

ХХХга реабилитация қилиниши муносабати билан унга етказилган мулкӣ зарарни қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиёнлар оқибатларини бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда даъво талаби билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Жабрланувчига иш бўйича ўзига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик суд ишларини юритиш тартибда мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилган.

Жиноят ишига қўшилган 1 дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақланиши белгиланган.

Суднинг ҳукмида қайд қилинишича, суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, ХХХ Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмӣ-амалӣ тиббиёт маркази давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали навбатчи реаниматолог шифокори бўла туриб, 2023 йил 30 октябрь куни соат 17:00 да филиалнинг чақалоқлар жонлантириш (реанимация) бўлимига кечки навбатчиликка тушган вақтида, фуқаро ХХХнинг оғир аҳволда туғилган чақалоғи ХХХни қабул қилиб олган ва чақалоққа плазма қуйиш учун чақалоқнинг чап томонлама кўкрак ости венаси, яъни чап елкаси билан юрак оралиғига катетер улаган.

Бунинг оқибатида уланган катетернинг игнаси чақалоқ томирига тушмасдан ёки тушиб бўлиб кейинчалик чиқиб кетиши оқибатида, плевра девори жароҳатланиб, суюқлик чақалоқнинг кўкрак қафаси бўшлиғига йиғила бошлаган ва ўпкани қон аралаш суюқликка тўлдириб, чақалоқнинг юрак билан чап ўпка орасида оғирлиги 22 гр бўлган қон аралашмаси (гематома) пайдо бўлган ҳамда шу қон аралашмаси (гематома) дан чақалоқнинг юрак уриши ва нафас олиши янада ёмонлашиб, вафот этган.

Чақалоқ дастлабки экспертизада унинг ташқи ҳолатини кўздан кечириш жараёнида, чап елкаси билан юраги оралиғида катетер қўйилганлигини тасдиқловчи ўрни мавжудлиги аниқланган.



Шунингдек, кўрсатиб ўтилган экспертиза хулосаларида, 2023 йил 13 октябрда туғилган чақалоқ ХХХнинг ўлими унинг ички аъзоларининг морфофункционал етишмовчилиги, респиратор дистресс синдроми ва пневмопатия фониди, юрак ва ўпкаларнинг сиқилиши билан кечган, ятроген жароҳат, яъни чап кўкрак ости венаси катетеризацияси вақтида томир ва плевра деворларининг шикастланиши оқибатида юзага келган ўткир нафас ва юрак қон-томир етишмовчилигидан юз берганлиги ҳамда чақалоқни даволаш чоралари тўғри олиб борилганда унинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлганлиги аниқ кўрсатилган.

Бундан ташқари, ХХХнинг ҳомиладорлик даврида мавжуд бўлган ҳаётий касалликлари унинг чақалоғи ХХХнинг ўлими билан бевосита боғлиқ бўлмаган.

Судланувчи ХХХ ўзининг юқорида кўрсатилган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган.

Дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловга кўра, ХХХ Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг, Қорақалпоғистон Республикаси филиали навбатчи реаниматолог шифокори бўла туриб, 2023 йил 13 октябрь куни соат 09:00 да филиалнинг чақалоқлар жонлантириш (реанимация) бўлимига кундузги навбатчиликка тушган ва соат 11:55 да фуқаро ХХХнинг 2023 йил 13 октябрда туғилган чақалоғи ХХХни қабул қилиб олиб, чақалоқда нафас етишмовчилиги синдромининг оғир даражаси кузатилган бўлса-да, чақалоқ ҳаётининг 1-2 суткасида рентгенодиагностикадан ўтказмаган, ўпкадаги ателектаз бор-йўқлиги аниқланмаган ва сурфактант терапия ўтказилмаган ҳамда нейросанографияга кеч туширилиши оқибатида чақалоқнинг ўлимига сабаб бўлган деб Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айб эълон қилинган.

Кегейли туман прокурори томонидан билдирилган протестда биринчи инстанция судининг ҳукмидан норозилик билдирилиб, суд томонидан қонунчилик талаблари ва Олий суд Пленум қароридаги талабларга риоя қилинмагани, судланувчи ХХХ 2023 йили 13 октябрь куни 11:45 да фуқаро Х.Мадиреймованинг чақалоғини шахсан ўзи қабул қилиб олиб, чақалоқ ҳаётининг охиригача 13 октябрь кунидан 30 октябрь кунига қадар 18 кун давомида ўзи даволовчи врач сифатида бириктирилган ва айнан ХХХнинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли чақалоқнинг вафот этишига сабабчи бўлганлиги, бу ҳолатлар судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари, жиноят иши юзасидан икки маротаба тайинланган судга оид комиссиявий экспертизаларининг хулосалари билан тўлиқ ўз тасдиғини топганлиги, шунингдек, суд томонидан судланувчи ХХХга асоссиз равишда ЖКнинг мазкур моддаси тегишли қисмида кўрсатилган жазонинг энг кам қисми тайинлангани ҳақида важлар келтирилиб, ХХХ ва ХХХга нисбатан



чиқарилган жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2025 йил 28 май кунги ҳукмини бекор қилиб, янги айблов ҳукми чиқариш сўралган.

Судланувчи ХХХ ҳимоячиси адвокат ХХХ билан биргаликда берган шикоятда суд ҳукмидан норозилик билдириб, асосиз судлангани, дастлабки тергов ва суд тергови давомида чақалоқ ХХХнинг ўлими айнан у (ХХХ) томонидан тиббиёт стандартларига мувофиқ амалга оширилган чақалоқнинг умров ости венасига кететерни ўрнатиш бўйича ҳаркатлари оқибатида бўлганлиги аниқланмагани ва исботлангани ҳақида важлар келтириб, жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2025 йил 28 май кунги ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Х.Бердикличевнинг маърузасини, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори А.Ниязимбетовнинг протестни тўлиқ қаноатлантириб, ХХХга нисбатан айблов ҳукмини чиқариш, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат ХХХнинг суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси ХХХнинг потестни рад қилиб, унга нисбатан чиқарилган оқлов ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, прокурорнинг протести ва ХХХнинг шикоятда келтирилган важларни ўрганиб, жиноят иши материалларини текшириб, биринчи инстанция судининг ҳукмининг ўзгаришсиз, билдирилган апелляция протести ҳамда берилган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судлов ҳайъати прокурор томонидан билдирилган протестда ҳамда ХХХнинг шикоятда кўрсатилган важлар билан келишмайди.

Биринчи инстанция суди иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ, жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибда баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Суд ҳукмида ЖПКнинг 457-моддасида назарда тутилган ҳал қилиниши лозим бўлган барча ҳолатлар чуқур ўрганилиб, улар юзасидан тегишли хулоса берилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан ХХХнинг айби гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари, чақалоқнинг ривожланиш тиббий картаси ва унга илова қилинган чақалоқнинг тиббий ҳужжатлари, дастлабки тушунтириш хатлари, 2023 йил 31 октябрь кунги патолого-анатомик текширишнинг 287-сонли баённомаси, суд-тиббий экспертизасининг 107-сонли қайта комиссия экспертiza хулосаси, суд-тиббиёт экспертизасининг 148-К-сонли қайта комиссия, комплекс



экспертиза хулосаси ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

XXXнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати судланувчи XXXнинг айбсизлиги ҳақидаги важларга танқидий баҳо беради. Унинг бу важлари юқорида кўрсатилган далиллар билан тўлиқ рад этилади.

Шунингдек, апелляция инстанцияси прокурор томонидан билдирилган протестдаги ҳукмнинг XXXга оид қисмини бекор қилиб, айблов ҳукми чиқариш лозимлиги ҳақидаги важлари билан келишмайди.

Биринчи инстанция судининг ҳукмнинг XXXга нисбатан ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан оқлаш ҳақида хулосалари тўлиқ асослантирилган.

Биринчи инстанция суди дастлабки тергов органи томонидан XXX Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали навбатчи реаниматолог шифокори бўла туриб, 2023 йил 13 октябрь куни соат 09:00 да филиалнинг чақалоқлар жонлантириш (реанимация) бўлимига кундузги навбатчиликка тушиб, соат 11:55 да фуқаро XXXнинг 2023 йил 13 октябрда туғилган чақалоғи XXXни қабул қилиб олиб, чақалоқда нафас етишмовчилиги синдромининг оғир даражаси кузатилган бўлса-да, чақалоқ ҳаётининг 1-2 суткасида рентгенодиагностика ўтказмагани, ўпкадаги ателектаз бор-йўқлиги аниқланмагани ва сурфактант терапия ўтказилмагани ҳамда нейросанографияга кеч туширилиши оқибатида чақалоқнинг ўлимига сабабчи бўлган деб Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли Қарорининг 11-бандида ЖПК 26-моддасига мувофиқ жиноят ишини биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқаётган суд далилларни текшириши: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши, фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши шартлиги; 13-бандида суриштирувчи, дастлабки тергов органлари ва судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, иш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан айблов далолатномаси, айблов хулосаси ва ҳукмда яроқсиз далилларга асосланиш мумкин эмаслиги, агар қўшимча далиллар тўплаш имкони бўлмаса, суд процессуал қонун талабларига риоя қилган ҳолда тўпланган далиллар йиғиндисида асосланиб иш бўйича якуний қарор қабул қилиши кераклиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси иккинчи қисмида айбдорликка оид барча гумонлар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг,



судланувчининг ёки судланган шахснинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 5-банди талабига кўра, судларнинг эътибори ЖПКнинг 22-моддасига мувофиқ иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши лозимлиги, бунда ЖПКнинг 26 ва 455-моддалари талабларига кўра ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, фуқаро ХХХнинг фарзанди ХХХ 2023 йилда 13 октябрь куни ҳомиладорликнинг 29-ҳафтасида 1.600 грамм ҳолатда, муддатидан олдин заиф ҳолатда туғилган бўлиб, туғруқ даврида қатнашган неонатолог шифокор А.Бекмуратова томонидан чақалоқлар жонлантириш бўлимига олиб келиниб, чақалоқлар жонлантириш бўлимида навбатчи реаниматолог шифокор ХХХ томонидан қабул қилиб олиниб, ХХХ томонидан чақалоққа “СДР.Пневмопатия. Нафас етишмовчилиги 2-босқич”, яъни нафас етишмовчилигининг 2-босқичи ташхиси қўйилиб, кўкрак қафаси рентгенографияси ва қорин бўшлиғи ҳолатини яхшилаш, НСГ ва УЗИ аппаратларига тушириш, терапевтик жиҳатдан НСПАП (ривожланмаган ўпкага кислород етказиб бериш учун ускуна) буюрилганлиги ва керакли даволаш чоралари қўлланилганлиги, орадан 10 кун ўтгач, яъни 2023 йил 23 октябрь куни чақалоқ эркин нафас ола бошлаганлиги ва дори-дармонлари бир ҳолатда бўлганлиги ва аҳволи яхшиланганлиги сабабли чақалоқлар патологияси бўлимига ўтказилганлиги, сўнгра орадан 3 кун ўтиб, яъни 2023 йил 26 октябрь куни чақалоқ ХХХ нафас етишмовчилиги сабабли кўкариши билан жонлантириш бўлимига қайта олиб келинганлиги ва чақалоқ жонлантириш бўлимида навбатчи шифокор А.Аленова томонидан қабул қилиниб, бурундан нафас олдириш ускунасига қайта қўйилганлиги, сўнгра А.Аленова томонидан чақалоқлар невропатологи Л.Нурабуллаева чақиртирилиб, сўнгра чақалоқ Л.Нурабуллаева томонидан текшириб, “Гипоксические ишемическое энцефалопатия и глубоко незрелости головного мозга и недоношенности” ташхиси қўйилиб, зарур даволаш чоралари ўтказилиб, тавсиялар берилганлиги, сўнг 27 октябрь куни жонлантириш бўлимида навбатчилик такрор навбатчи реаниматолог шифокор ХХХ томонидан қабул қилиб олиниб, ўзи томонидан ва невропатолог шифокор тавсия этган даво чораларини қўллаганлиги, сўнг такрор 29 октябрь куни жонлантириш бўлимида навбатчиликда чақалоқни қабул қилиб олиб, кўриқдан ўтказганда чақалоқнинг аҳволи жуда оғир бўлганлиги, нафас олиши ускуна ёрдамида олинганлиги ва қон кетиши кузатилганлиги сабабли зарур даво чоралари кўрилганлиги, сўнг такроран 30 октябрь куни чақалоқни қабул қилиб олганлиги ва чақалоқдан тўхтовсиз қон кетганлиги сабабли қон тўхтатувчи дорига буюртма берганлиги ва чақалоқнинг аҳволини “нафас етишмовчилигининг 3-даражаси ва бош мия



етишмовчилигининг оғир ҳолати” деб баҳолаб, зарур даво чораларини олиб борганлиги, сўнг шу куни кечки вақтда чақалоқни навбатчи реаниматолог шифокор ХХХ қабул қилиб олганлиги ва ХХХ чақалоқнинг аҳволини яхшилаш учун унга плазма қўймоқчи бўлиб, қўл ва оёқларидан игнани тикқан вақтида томир ёрилиб кетавериши оқибатида санчиш имкони бўлмаганлиги сабабли чақалоққа керакли даволаш чораларини қўллашга уриниб, чап кўкрак ости венаси катетеризатсиясини амалга оширганлиги, оқибатда чақалоқ ХХХ ўша куни ички аъзоларининг морфофункционал етишмовчилиги, респиратор дистресс синдроми ва пневмопатия фониди, юрак ва ўпкаларнинг сиқилиши билан кечган ятроген жароҳат, яъни чап кўкрак ости венаси катетеризатсияси вақтида томир ва плевра деворларининг шикастланиши натижасида юзага келган ўткир нафас ва юрак қон-томир етишмовчилигидан вафот этганлиги кўринади.

Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 26 декабрдаги 107-сонли ва 2024 йил 30 июлдаги 148-сонли хулосаларига кўра, шифокор (ХХХ) томонидан чақалоқ А.Эрусалимовага ташхис ўз вақтида ва тўғри қўйилганлиги, чақалоқ туғилганидан сўнг унинг ҳолатидан келиб чиқиб, дорилар даволаш протоколи асосида танланганлиги, даволаш чоралари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Неонотология бўйича қўлланма”да қабул қилинган стандартлар асосида олиб борилганлиги, лаборатор текширувлар стандарт асосида ҳамда чақалоқнинг ҳолати ўзгаришига мос равишда зарурат бўлганда қўшимча равишда олиб борилганлиги кўрсатилган бўлиб, бироқ шифокор (ХХХ) томонидан ...чақалоқ ХХХдаги нафас етишмовчилиги синдроми оғир даражасини ҳисобга олиб, ҳаётининг 1-2-суткасида рентгендиагностика ўтказилиб, ўпкадаги ателектаз бор-йўқлиги аниқланиб, сурфактант терапия ўтказиш ёки ўтказмаслик масаласини кўриб чиқиш зарур бўлганлиги,...чақалоқда нейросонография (НСГ) текшируви кеч, яъни чақалоқ вафот этишидан 1 кун олдин ўтказилганлиги кўрсатилган бўлса-да, рентгенография аппарати шифохонанинг 1-қаватида жойлашганлиги ва чақалоқ НСПАП (ривожланмаган ўпкага кислород етказиб бериш учун ускуна) аппаратида бўлганлиги сабабли уни аппаратдан ажратиб, олиб бориб тушириш чақалоқ ҳаёти учун хавfli бўлганлиги, шифохона кўчма рентгенография аппарати билан таъминланмаганлиги, шунингдек шифохонанинг ички дорихонасида сурфактант дори воситаси бўлмаганлиги сабабли сурфактант терапиясини ўтказиш имконияти бўлмаганлиги кўринади.

Бу ҳолат юқоридаги экспертиза хулосасининг...ХХХ ҳаётининг 1-2-суткасида рентгендиагностика ўтказилиб, ўпкадаги ателектаз бор-йўқлиги аниқланиб, сурфактант терапия ўтказилиши зарур бўлганлиги, тавсия этилган шифокорларнинг тушунтириш хатлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Перинатал маркази директори ўринбосарининг 2024 йил 11 декабрдаги 936-сонли хатини инобатга олиб, юқорида кўрсатилган тиббий ёрдам камчиликлари ташкилий камчиликлар сифатида баҳоланиши ва уларга масъул тиббиёт муассасаси раҳбарияти ҳисобланиши ҳақидаги хулосаси ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий



тиббиёт маркази давлат ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг 2025 йил 26 май кунги “филиалнинг ички дорихонасида сурфактант дори воситаси октябрь ойида бўлмаганлиги, 2023 йил январь ойидан бошлаб август ойигача узлуксиз бўлганлиги, 11 август кунидан 10 декабрь кунигача танаффус бўлганлиги, шу сабабли чақалоқ ХХХга ички дорихонадан солиш имконияти бўлмаганлиги, гўдақлар реанимацияси бўлимига кўчма рентген ва нейросанография тушириш учун УЗИ аппарати 2023 йил ноябрь ойида берилганлиги ҳақидаги 403-сонли (қўшимча фойдаланилган дориларни ҳисобга олиш журнали, олиб келинган аппаратуралар ҳисоб фактуралари кўчирмаси билан) ҳамда суд мажлисида сўралган юқоридаги гувоҳлардан ташқари гувоҳлар Д.Ишчанова, А.Аленова, Г.Камалова, К.Атажановаларнинг дастлабки терговда берган кўрсатмалари билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 36-моддасида ушбу Кодексда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 16-моддасининг 2-қисмига кўра, Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган жиноятни содир этиш жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 36-моддасида берилган тушунчага кўра, жиноятнинг кам аҳамиятлилиги шуни англатадики, бунда жиноят фақат битта ташқи, расмий белгига эга, яъни ҳуқуққа хилофли бўлади. Ўз мазмунига кўра эса бундай қилмиш, уни жиноят деб топиш учун кўйиладиган талабларга жавоб бермайди, яъни бундай ҳолда у бузилиши ижтимоий хавфли қилмиш сифатида эътироф этиладиган доирадан ташқарида бўлади. Бошқача айтганда, моддий таркибли жиноятларда кам аҳамиятли қилмиш ёки умуман ижтимоий хавфли бўлмаган (масалан, кам миқдорда талон-торож қилишга сабаб бўлган мол-мулкни қўриқлашга бепарволик), ёки унинг жиноят деб топилиши учун зарур бўлган даражага етмайди.

Бундай қилмиш юзасидан жиноят иши кўзғатилиши мумкин эмас, кўзғатилган жиноят иши эса Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг иккинчи бандига мувофиқ, ЖКнинг 36-моддасига асосан бекор қилинади.

Жиноятнинг кам аҳамиятлилиги масаласи - айбдор томонидан содир этилган ҳар бир муайян жиноятга нисбатан тергов ва суд органлари томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масаладир.

Жиноятни кам аҳамиятли деб топиш учун бундай жиноят билан боғлиқ барча ҳолатлар (айб шакли, жиноят содир этиш усули, мотиви, шароити ва босқичлари, келиб чиққан оқибатларнинг оғирлиги, жиноят иштирокчиларидан ҳар бирининг иштирок этиш даражаси ва хусусияти ва бошқалар) ни таҳлил қилиб чиқиш лозим. Жиноятни кам аҳамиятли деб топиш ҳар бири ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ижтимоий хавфлилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда тенг аҳамиятга эга юқорида кўрсатилган элементлар йиғиндиси ҳулосасига асосланиши зарур.



Шунга кўра, биринчи инстанция суди томонидан патолого-анатомик тадқиқотнинг 2023-йил 31 октябрдаги 287-сонли баённомасига кўра, “чақалоқ ХХХнинг ўлими ателектатик пневмопатия ва ятроген патология, ўткир умумий веноз тикилиши ва ички аъзолари дистрофияси билан асоратланган субклавиан катетеризатсияни нотўғри киритиш, мия қоринчаларининг гипоксик қон кетиши, ўпка яллиғланиши ва мия яллиғланиши сабабли юз берганлиги”, суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 30 июлдаги 148-сонли хулосасига кўра, “чақалоқ ХХХнинг ўлими сабаби ички аъзоларининг морфофункционал етишмовчилиги, респиратор дистресс синдроми ва пенмопатия фониди, юрак ва ўпкаларнинг сиқилиши билан кечган, ятроген жароҳат, яъни чап кўкрак ости венаси катетеризатсияси вақтида томир ва плевра деворларининг шикастланиши натижасида юзага келган ўткир нафас ва юрак қон-томир етишмовчилигидан юз берганлиги ҳисобга олинса, шифокор ХХХ томонидан чақалоқ ХХХдаги нафас етишмовчилиги синдроми оғир даражасини ҳисобга олиб, ҳаётининг 1-2-суткасида рентгендиагностика ўтказилиб, ўпкадаги ателектаз бор-йўқлиги аниқланиб, сурфактант терапия ўтказиш ёки ўтказмаслик масаласини кўриб чиқиш зарур бўлганлиги. чақалоқда нейросонография (НСГ) текшируви кеч, яъни 2023 йил 29 октябрь куни, чақалоқ вафот этишидан 1 кун олдин ўтказилганлиги кўрсатилган бўлса-да, рентгенография аппарати шифохонанинг 1-қаватида жойлашганлиги ва чақалоқ НСПАП (ривожланмаган ўпкага кислород етказиб бериш учун ускуна) аппаратида бўлганлиги сабабли уни аппаратдан ажратиб, олиб бориш ҳаёти учун хавfli бўлганлиги, ва шифохона кўчма рентгенография аппарати билан таъминланмаганлиги, шунингдек шифохонанинг ички дорихонасида сурфактант дори воситаси бўлмаганлиги сабабли сурфактант терапиясини ўтказиш имконияти бўлмаганлигини, шунингдек ХХХнинг юқоридаги чораларни амалга ошириш имконияти йўқлиги бўйича ҳолатларни чақалоқнинг касаллик тарихига ёзмаганлиги ва нейросанография аппаратида кеч туширган ҳаракатларининг кам аҳамиятлилиги сабабли унинг бу ҳаракатлари ижтимоий хавfli эмас деб ҳисобланиши ҳақида тўғри хулосага келинган.

Ушбу ҳолат апелляция инстанциясида сўроқ қилинган 148-сонли суд-тиббийёт комиссиявий экспертизасини ўтказишда иштирок қилган Республика Перинатал маркази неонатологи М.Абдуллаеванинг ХХХ стандартлар асосида иш олиб боргани ва шунинг натижасида чақалоқ опен бўлимига ўтгани, лекин рентген қилинмагани, нейросанография кеч қилингани, бироқ, боланинг аҳволига ёмон тасир қилмагани, ХХХнинг рентген бўлмаса ҳам қўйилган диагнози тўғри экани ҳақидаги кўрсатувлари билан ҳам тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 9-бандида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавfli бўлмаса (36-модда),



жиноят таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли (ЖПК 83-моддаси 2-банди) оқлов ҳукми чиқарилади деб кўрсатилган.

Судлов ҳайъати юқоридаги Қонун ва Пленум қарорлари талабларидан келиб чиқиб, ХХХнинг ҳаракатларида жиноят белгилари расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, у томонидан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг, Қорақалпоғистон Республикаси филиали навбатчи реаниматолог шифокори бўла туриб, 2023 йил 13 октябрь соат 09:00 да филиалнинг чақалоқлар жонлантириш (реанимация) бўлимига кундузги навбатчиликка тушиб, соат 11:55 да фуқаро ХХХнинг 2023 йил 13 октябрь куни туғилган чақалоғи ХХХни қабул қилиб олиб, чақалоқда нафас етишмовчилиги синдромининг оғир даражаси кузатилган бўлса-да, чақалоқ ҳаётининг 1-2 суткасида рентгенодиагностика ўтказилмагани, пкадаги ателектаз бор-йўқлиги аниқланмаган ва сурфактант терапия ўтказилмаган ҳамда нейросанографияга кечиккан ҳаракатлари кам аҳамиятлилиги сабабли унинг ҳаракатларини ижтимоий хавфли эмас деб ҳисоблаб, ишнинг унга оид қисмини ЖКнинг 36-моддасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан айбсиз деб топиб, оқлаш ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, апелляция инстанцияси прокурор томонидан билдирилган протестдаги ХХХга қилмишига номутаносиб енгил жазо, яъни у айбли деб топилаётган ЖК моддаси санкциясида назарда тутилган энг минимал жазони тайинлагани ҳақидаги важлари билан келишмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ва етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги,

ушбу Кодекснинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси адолатли бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий мавқеига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи ХХХга жазо тайинлашда, қайд этилган Қонун ва Олий суд Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиниб, унинг аёл киши эканлиги, оилали бўлиб, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, илгари судланмаганлиги ва жинойий жавобгарликка тортилмаганлиги, жабрланувчининг уни кечирганлиги ва даъвоси йўқлиги унинг жазосини



енгиллаштирувчи ҳолатлари деб ҳисобланиб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисобланиб, у айбли деб топилаётган ЖК моддаси санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлаш, шу билан бирга ЖКнинг 45-моддасига мувофиқ чақалоқларга реанимация ёрдами кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосини тайинлаш ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан судлов ҳайъати жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг XXX ва XXXларга нисбатан чиқарилган ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди ҳамда прокурор томонидан билдирилган протестни ва XXXнинг адвокати билан бирга берган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Биобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷⁻¹⁸, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг 2025 йил 28 май кунги XXX ва XXXга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Прокурор томонидан билдирилган апелляция протести ва судланувчи XXXнинг ҳимоячиси адвокат XXX билан биргаликда берган апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрими устидан Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи	(имзо)	А.Аметов
Ҳайъат судьялари	(имзо)	Д.Разов
	(имзо)	Х.Бердикличев
Ажрим нусхаси аслига тўғри судья		Х.Бердикличев

